

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТ

Фархутдинова Матлуба Аманбаевна

Тошкент вилояти юридик техникуми
катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11259081>

Аннотация: “Ўзбекистоннинг дунёвий давлат сифатида шаклланиши ва ривожланиши: назарий-ҳуқуқий тадқиқот”га бағишланган ушбу тадқиқот тезисларида мавзунинг долзарблиги, “давлатнинг дунёвийлиги” категорияси, дунёвий давлат тушунчаси ва асосий белгиларини ўрганиш зарурлиги, тадқиқот мақсади, вазибалари, предмети, объекти, методологияси, илмий янгилиги масалалари баён қилинган. Шунингдек, ишда юқоридаги масалалар хусусида бир қанча хорижий ва ўзбек олимларининг қарашлари ва фикрлари ўрганилди.

Калит сўзлар: дунёвий давлат, ҳуқуқ, дин, диний ташкилотлар, виждон эркинлиги, конституция.

XX асрнинг охиридан бошлаб хорижий нашрларда дунёвий давлат, унинг тушунчаси, тавсифи, моҳияти, асосий белгилари, ўзига хос хусусиятлари масаласида қатор илмий ишлар эълон қилинди. Уларда дунёвий давлатнинг моҳияти ва хусусиятлари ҳақида қизғин мунозаралар давом этмоқда. 2023 йилда янгиланган Ўзбекистон Конституциясининг 1-моддасида “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” [1], деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизнинг дунёвий давлат сифатида шаклланиши, фаолияти ва конституциявий ривожланиши масаласини ўрганишни долзарб муаммолардан бирига айлантирди.

Шу билан бирга, замонавий Ўзбекистондаги дунёвий давлатни эндиgina биринчи қадамларини қўяётган кичкина болага қийин мумкин. Ўзбекистон Республикаси, масалан, 18-аср бошидан дунёвийлик йўналишини олган Франция, Англия, АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатлар каби кўп тажрибага эга эмас. Ўзбекистонда дунёвий давлатнинг шаклланиши конфессиявий маконнинг доимий равишда кенгайиши, миллий мафкурани излаш, аниқ ифодаланган давлат-конфессиявий сиёсатнинг йўқлиги шароитида амалга оширилмоқда, бу жараёнда амалиётда бир қатор қийинчиликлар юзага келади.

Давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ҳарбий қисмлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари, ҳамкорлиги масалалари чуқур ва атрофлича ўрганилмаганлиги ва бунинг ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилмаганлиги ҳам ушбу мавзунинг илмий ўрганиш заруратини тақозо қилади. Дунёвийлик шароитида Ўзбекистон фуқароларининг диний хавфсизлигини таъминлаш ҳам долзарб муаммодир. Инчунин, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида 70-мақсад сифатида ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш белгилаб қўйилди[2].

Тадқиқотнинг мақсади – Ўзбекистон Республикасининг дунёвий давлат сифатида ривожланишининг хусусиятлари ва тенденцияларини назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш, мамлакатимиздаги давлат-конфессиявий муносабатлар моделини аниқлаш, олинган натижалар асосида, виждон эркинлиги ва диний бирлашмаларга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ушбу мақсадга эришиш бир қатор тадқиқот вазифаларини ҳал қилишни ўз ичига олади:

- дунёвий давлатнинг моҳиятини, унинг тушунчаси ва мазмунини очиб бериш, таърифини шакллантириш;
- дунёвий давлатни тушунишга ёндашувлар хилма-хиллигини, бу масала бўйича қарашлар ва фикрлар плюрализмини кўрсатиш ва уларни бир-бири билан солиштириш;
- диний ҳуқуқий онгнинг Ўзбекистонда дунёвий давлат шаклланишига таъсирини ўрганиш;
- виждон эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқни, унинг таркибий элементларини давлатнинг дунёвийлиги талабларидан бири сифатида тавсифлаш;
- давлат ва диний бирлашмалар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мумкин бўлган вариантларини кўриб чиқиш ва Ўзбекистон учун давлат-конфессиявий муносабатларнинг энг мақбул моделини аниқлаш;
- давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларида давлатнинг дунёвийлиги конституциявий принципнинг мазмунини белгилаш;
- давлатнинг дунёвийлигини мустаҳкамловчи амалдаги қонун ҳужжатларининг ҳолатини ўрганиш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистоннинг дунёвий давлат сифатида мустаҳкамланишининг конституциявий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар тадқиқотнинг объектини ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети виждон эркинлигини амалга ошириш ва инсоннинг диний эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича давлат ва диний бирлашмалар, давлат органлари ва дин вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва амалиёти, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг методологик асослари. Ишда Ўзбекистоннинг дунёвий давлат сифатида конституциявий ривожланиши масалаларини ўрганишнинг қуйидаги усулларидадан фойдаланилади: тизимли, диалектик, қиёсий, мантиқий, социологик, статистик ва ҳоказо.

Тадқиқотнинг назарий ва эмпирик асослари. Тадқиқотнинг назарий асосини маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи, ҳуқуқий таълимотлар тарихи, конституциявий ҳуқуқ соҳаларидаги илмий ишлари ташкил этади.

Диссертацияни тайёрлашда ҳуқуқшунос ва диний олимлар, тарихчилар, сиёсатшунослар, социологларнинг давлат ва диний бирлашмалар ўртасидаги муносабатлар муаммоларига бағишланган илмий ишларидан ҳам фойдаланилади[3].

Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари тадқиқотнинг норматив-ҳуқуқий базасини ташкил қилади.

Диссертация ишида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва хорижий қонунлардан фойдаланилади.

Ишнинг илмий янгилиги шундаки, у дунёвий давлат назариясини ривожлантиришга, уни ташкил этиш ва фаолият юритиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли назарий-ҳуқуқий тадқиқот ҳисобланади.

Ишда муаллиф томонидан дунёвий давлат таърифи шакллантирилади, унинг конституциявий тузум асосларидан бири сифатида дунёвийлик тамойилини тавсифловчи муҳим белгилари ўрганилади. Тадқиқотда мамлакатнинг замонавий диний ҳаётида юзага келадиган ва юзага келиши мумкин бўлган ҳодиса ва жараёнлар ҳисобга олинади. Диний конституциявий ҳуқуқий онгнинг дунёвий ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланишига таъсири биринчи марта кўрсатилади.

Муаллиф давлатнинг дунёвийлиги талабларидан бири сифатида конституциявий виждон эркинлиги ҳуқуқини тизимли таҳлил қилади. Дунёвийлик шароитида конституциявий “виждон эркинлиги” тушунчасининг маъмуни кенгайиб бориши исботланади[4].

Асарда тадқиқотнинг янги йўналиши – давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари фаолиятида дунёвийлик конституциявий тамойилини таъминлаш эълон қилинади. Тадқиқот натижалари муаллифга конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди:

- 1) давлат ва унинг органларининг дунёвийлиги;
- 2) таълим соҳасининг дунёвийлиги;
- 3) диний хавфсизлик.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти давлатнинг дунёвийлиги конституциявий тамойилини янада ривожлантирилганлигидадир. Ишда келтирилган хулоса ва таклифлардан давлат органлари, шу жумладан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари фаолиятида, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин[5].

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [Матн]. Расмий нашр. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2023. – Б.4.
2. 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон; 03.01.2024 й., 06/24/221/0003-сон).
3. Понкин И.В. Правовые основы светскости государства и образования. М.: Про-Пресс, 2003. 416 е.;
4. Понкин И.В. Светскость государства: к вопросу определения правового содержания понятия // Образование. 2003. – № 3. – С. 14-26;

5. Понкин И.В. Светскость государства. М.: Учебно-научный центр довузовского образования, 2004. – 466 с;
6. Понкин И.В. Современное светское государство: конституционно-правовое исследование: Дис. д-ра юр. наук. М., 2004;
7. Агапов А.Б. Церковь и исполнительная власть // Государство и право. – 1998.-№4. – С. 19-25;
8. Амелин Н.М. Развитие методологических аспектов отношений государства и права с церковью в глобализационном мире // «Черные дыры» в российском законодательстве. 2007. – № 5. - С. 121-122;
9. Борисов А.М. Государство и религия: аспект вопроса государственной безопасности // Право и безопасность. 2003. – № 3-4. – С. 60;
10. Тер-Акопов А.А. Безопасность человека: социальные и правовые основы / Тер-Акопов А.А. - М.: Норма, 2005. - 272 с.;
11. Бурьянов С.А. Государственная религиозная политика: новая концепция -старые подходы // Закон и право. 2004. – № 4. – С. 73-76;
12. Грудцына Л.Ю. Церковь как связующее звено между гражданским обществом и государством в России // Адвокат. 2007. – № 9. С. – 79-89;
13. Красиков А. Церкви и государства: грани и границы сотрудничества // Религия и право. 2008. – № 4. – С. 10-17;
14. Боберо Ж. Светскость: французская исключительность или универсальная ценность // URL: www.zercalo-nedeli.com/nn/show/403/35532;
15. Гончарепко М. Может ли Россия стать светским государством? // URL: <http://www.fondiv.ru/articles/2/58/>;
16. Метлик И.В. О понимании светскости государства и светского характера образования в государственной школе // URL: <http://www.radonezh.ru/analytic/articles/?ID=1607>;
17. Полосин В. Вправе ли светское государство лишать человека права на семейное счастье? // URL: <http://www.religare.ru/print25191.htm>;
18. Воронкова М.И. Конституционные основы светского государства в Российской Федерации: Дис. . канд. юр. наук. Саратов, 2006;
19. Деникаева С.Э. Конституционно-правовые основы формирования Российской Федерации как светского государства: Дис. . канд. юр. наук. Махачкала, 2007;
20. Дозорцев П.Н. Развитие России как светского государства: Дис. . д-ра юрид. наук. СПб., 1998 ва б.
21. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/699/0635-сон).
22. Рашидов Ф. Т. Замонавий дунёда давлат ва дин муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари. Educational Research in Universal Sciences ISSN: 2181-3515 VOLUME 2 | SPECIAL ISSUE 17 | 2023).